(1097-1156)
(1128-1256)

Ануштегинийлар сулоласидан бўлган Хоразм хукмдори. Отаси вафотидан сўнг тахтга ўтирган, салжукийлар султони Санжарнинг вассали бўлган. Лекин у Хоразмни мустакил давлатга айлантиришга интилган. Отсиз Санжарнинг рухсатисиз аввало Жанд ва Мангишлокни эгаллаб ва Туркистоннинг ичкари туманларига юриш килиш билан ўз хокимиятини мустахкамлаб олган. Шундан сўнг у ўзини мустакил деб эълон килган, Бирок 1138-йил Хазорасп якинида Санжар кўшини томонидан маглубиятга учраб, мамлакатдан кувгин килинган. Санжар ўзининг жияни Сулаймон бин Мухаммадни хоразмшох этиб тайинлаган, лекин келаси йили Отсизни Хоразм ахолиси чакириб олган, шахзода эса кувиб юборилган. 1141-йил майда Отсиз Санжарга тобелик изхор этиб, умрбод унга садокат билан хизмат килишга касам ичган, лекин бир неча ойдан сўнг Санжар корахитойлардан енгилгач (1141-йил 9-сентабр), касамини бузган. Отсиз ўша йили кузида кучли кўшин билан Хуросонга юриб Марвни эгаллаб олган; келаси йил бахорида Нишопурни тобе этган, бирок Санжар томонидан дархол кувиб юборилган. 1143-44-йилларда Санжар яна Хоразмга юриш килган, Отсиз кучи озлиги туфайли унга тобелик изхор килган. Шундан сўнг бир оз вакт ўтгач, Отсиз 3-марта исён кўтарган ва Санжарнинг элчисини (шоир Адиб Собир) Амударёга ташлаб юборишни амр килган. 1147-йил ноябрда Санжар 3-марта Хоразмга юриш уюштирган, 2 ойлик камалдан сўнг Хазорасп шахрини олган ва Гурганжга якинлашган, 1148-йил июнда султон билан шахсан учрашув чогида гарчанд ўзини такаббурона, гердайган холда тутган бўлса-да, Отсиз султонга тобелик билдиргач, ўз лавозимида колдирилган. 1153-йил Санжар ўгузлар кўлига асир тушиб колган. Отсиз бу сафар султоннинг содик хизматкори ва химоячиси сифатида яна Хуросонга юриш килишга шайланган ва ўзига Амул шахрини беришни талаб килган, бирок рад жавобини олган. 1156-йил у Нисога келиб асирликдан кочган Санжарга ўз садокатини билдирган, лекин шу йилнинг 30-июлида Хабушон (хозирги Кучан)да 59 ёшида вафот этган.
Отсиз Каспий денгизи сохилларидан то Сирдарёнинг ўрта окимига кадар бўлган ерларда, кейинчалик буюк давлат сифатида шухрат топган Хоразмшохлар давлатининг пойдеворини барпо этган эди.